



ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Батир АБДУЛЛАЕВ

лойиҳа раҳбари
Макроиктисодий ва ҳудудий
тадқиқотлар институти
E-mail: abs1965@mail.ru

Annotatsiya

Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини илдам ривожлантириш учун қабул қилинаётган расмий ҳужжатларнинг тадбиркорлар фаолиятига таъсирини ва натижадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширишда юзага келган ижобий ўзгаришлар ҳамда учраётган муаммоларга ўз вақтида муносабат билдириш, тадбиркорлар томонидан билдирилаётган таклифларни эътиборга олишнинг доимий мониторингини амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Мақолада давлат томонидан тадбиркорликка оид қабул қилинаётган чора-тадбирлар ва имтиёزلардан фойдаланишга бўлган муносабати сўровнома натижалари доирасида таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар келтирилган.

Kalit so'zlar

тадбиркорлик, солиқ, самарадорлик, хизматлар, ривожлантириш, яшил иқтисодиёт, қўллаб-қувватлаш, ҳудудлар, хабардорлик, имтиёزلар, респондент, натижалар.

Оценка эффективности мер, предпринимаемых для поддержки предпринимательства в Узбекистане

Батир Абдуллаев руководитель проекта
Институт макроэкономических и региональных исследований

Аннотация: Для ускоренного развития предпринимательской деятельности в нашей стране актуальной остается оценка влияния и результативности принимаемых официальных документов на деятельность предпринимателей, своевременное реагирование на позитивные изменения и проблемы, возникающие при их реализации, осуществление постоянного мониторинга за учетом предложений, высказываемых предпринимателями.

В статье проанализировано отношение к мерам и льготам, принимаемым государством в сфере предпринимательства, в рамках результатов опроса, и представлены соответствующие выводы.

Ключевые слова: *предпринимательство, налоги, эффективность, услуги, развитие, зеленая экономика, поддержка, регионы, осведомленность, выгоды, респондент, результаты.*

Assessing the effectiveness of measures taken to support entrepreneurship in Uzbekistan

Batir Abdullaev Head of the project
Institute of Macroeconomic and Regional Studies

Abstract: Evaluation of the impact and effectiveness of adopted official documents for accelerated development of entrepreneurship in our country on the activities of entrepreneurs, timely response to positive changes and problems arising during their implementation, Ongoing monitoring of entrepreneurs' proposals is still relevant today.

The article provides an analysis of attitudes of entrepreneurs to the use of measures and benefits for entrepreneurs adopted by the state, and presents relevant conclusions based on the results of the survey.

Keywords: *business, tax, efficiency, services, development, green economy, support, regions, awareness, benefits, respondent, results.*

Кириш

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – иқтисодиётнинг таянч кучи, аҳоли бандлиги ва ҳаёт тарзини яхшиловчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш тизимли кўриниш олган бўлиб, ҳар йили ташкил этиладиган Президентимизнинг тадбиркорлик вакиллари билан очик мулоқоти ва унда билдириладиган фикр-мулоҳазалар бунга яққол мисолдир. Ушбу мулоқот 2021 йилдан буён юртимизда 20 август — “Тадбиркорлар куни” сифатида нишонлаб келинади. Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини изчиллик билан ривожлантириш учун ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Бизнес соҳасини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган устивор йўналишлар “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида ҳам мустаҳкамланган. Айниқса Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқот шаклида учрашувларининг анъанага айланиши ушбу мониторингни амалий аҳамиятини янада оширади.

Адабиётлар таҳлили. Назаров Н.Г. ўзининг “State Support Measures for Small Business in Uzbekistan”¹ мақоладасида Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари, хусусан молиявий ёрдам, имтиёзлар, институционал кўмак ва бизнес муҳитини яхшилаш чораларини таҳлил қилинган. Муаллиф бу чоралар тадбиркорлик фаоллигини кучайтириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва инклюзив

¹ N.G. Nazarov “STATE SUPPORT MEASURES FOR SMALL BUSINESS IN UZBEKISTAN”. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, vol. 6, no. 06, June 2024, pp. 30-36,

ривожланишга хизмат қилишини таъкидлайди. Рафеев Д.Р. эса “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш — амалга оширилаётган ислохотлар самараси”² мақоласида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳозирги ҳолати, эришилган натижалар ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида фикр билдирган. Муаллиф ислохотлар натижасида тадбиркорлик соҳасида ижобий ўзгаришлар юз бераётганини кўрсатади, лекин келгусида самарадорликни фақат қабул қилинган қарорлар сони билан эмас, балки амалий натижа билан баҳолаш зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтган. Марипова Ш.А. ўзининг “The Future of Small Businesses at Uzbekistan: Expectations and Trends of Development”³ мақоласида Ўзбекистонда кичик бизнеснинг келгуси ривожланиш тенденциялари, иқтисодий ислохотлар, инновациялар ва давлат қўллаб-қувватлаши таъсири таҳлил қилган. Асосий эътибор бизнес иқлими, иқтисодий диверсификация ва давлат ёрдамнинг узок муддатли натижаларига қаратилган. Махмудова Н.Ж. эса “Ўзбекистонда аҳоли тадбиркорлигини ривожлантиришда давлат молиявий ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш муаммолари”⁴ мақоласида аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, бандликни таъминлаш ва турмуш даражасини оширишда давлат молиявий ресурсларининг ўрни кўриб чиққан. Муаллиф оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, кредитлаш ва давлат дастурлари орқали қўллаб-қувватлашнинг муҳим жиҳатларини ёритади. Шу билан бирга, айрим дастурларда маблағлар сарфининг самарадорлигини баҳолаш ва аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш натижадорлиги етарли даражада юқори эмаслигига ҳам ишора қилади.

Методология. Тадқиқотнинг методологик асосини индуксия, дедуксия, анализ, синтез, диалектик мантиқ ташкил этади. Тадқиқотда таҳлил ва таққослаш усулидан фойдаланилди. Бунда илмий кузатишда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг илмий ишлари, хорижий мамлакатлари вазирлик ва идораларининг расмий сайти маълумотлари, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, электрон ресурслар ҳам ўрганилган.

Таҳлил ва натижалари. Мақолада муаллиф томонидан тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш, имтиёزلардан фойдаланишда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича ўтказилган сўровнома натижалари ёритилган. Сўровномада республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг **208 та** туман ва шаҳарларида жами **10 176 та** турли йўналишда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари иштирок этган.

² Рафеев Д. Р. “ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ - АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ” Экономика и социум. 2023. №4-1 (107).

³ Maripova Sh.A. “THE FUTURE OF SMALL BUSINESSES AT UZBEKISTAN: EXPECTATIONS AND TRENDS OF DEVELOPMENT”. (2026). *INTERNATIONAL SCIENTIFIC-ELECTRONIC JOURNAL “PIONEERING STUDIES AND THEORIES”*, 1(7), 89-95.

⁴ Махмудова Н. “ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”, “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil

Сўровда иштирок этганларнинг асосан **21,9 фоизи** саноат соҳасида, **18,3 фоизи** қишлоқ хўжалиги, **23,1 фоизи** савдо ва умумий овқатланиш, **8,4 фоизи** қурилиш, **5,6 фоизи** маиший хизмат ва қолганлари хизматларнинг турли соҳаларида шуғулланувчи тадбиркорлардан иборат.

Ташкилий ҳуқуқий шаклига кўра – сўровномада қатнашган масъулияти чекланган жамиятлар улуши **42,7 фоиз** ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг улуши **15,9 фоизни** ташкил этди. Шунингдек, хусусий корхона эгалари (**13,9%**), оилавий корхоналар (**13%**) ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари (**8,3%**) ҳам сўровда иштирок этганлар.

Ҳудудлар бўйича Тошкент шаҳри (**1410 нафар**), Сирдарё (**1220 нафар**), Тошкент (**863 нафар**), Жиззах (**862 нафар**), Андижон (**843 нафар**) ҳамда Фарғона (**816 нафар**) вилоятларидан қатнашган тадбиркорлар сўровда фаол иштирок этганлар.

1. Давлат томонидан тадбиркорлар учун берилган имтиёзлар ва преференциялардан хабардор бўлишда муаммо ва қийинчилик йўқлигини **38,8 фоиз** респондентлар эътироф этганлар. Шунингдек, тадбиркорлар маълумотлар тарқоқ ҳолда бўлганлигини (**20,4%**), тадбиркорлар билан коммуникация каналининг яхши йўлга қўйилмаганлигини (**18,1%**), тегишли соҳа ёки бизнесга доир аниқ мос келадиган маълумотларни бир жойдан топишнинг қийинлигини (**19,4%**) ҳамда мунтазам янгиланиб бориладиган маълумотлар базасига кириш мурракбалигини (**10,2%**) билдиришган. (1-расм).




1-расм. Тадбиркорлар учун берилган имтиёзлар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишдаги муаммо ва қийинчиликлар
(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)

Ҳудудлар бўйича **Наманган (31,6%)** ва **Сурхондарё (31,1%)** вилоятларида ушбу кўрсаткич нисбатан юқори эканлиги кузатилди.


Расмий ҳужжатларни қабул қилинишидан олдин тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиниши улар фикрига кўра Президент ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлиги ва манзиллигини (40,2%) ошиши, тадбиркорларнинг ҳукуматга ишончи ортишини (18,2%), расмий ҳужжатларга тез-тез қўшимча ва ўзгартиришлар киритилишини олди олинишини (20,6%) ва тадбиркорлик фаолиятининг барқарор ривожланишига (18,2%) олиб келишини таъкидлаган (2-расм). Тадбиркорлар қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этилишни асосий институционал талаб сифатида кўрмоқда

2-расм. Расмий қарорларни қабул қилинишидан аввал тадбиркорларнинг



фикр-мулоҳазаларини инобатга олишнинг муҳимлиги
(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)


2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2024 йил 20-августдаги очик мулоқотидан сўнг тадбиркорларга яратилган қулайликлардан хабардорлиги сўралганда, респондентларнинг 86,8 фоизи хабардор эканлиги, 13,2 фоиз тадбиркорлар эса хабари йўқлигини билдиришган. Энг юқори хабардорликка эга ҳудудлар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси (93,4%), Жиззах (94,2%), Фарғона (93,8%)



3-расм. Тадбиркорларга яратилган қулайликлардан хабардорлиги ва фаолиятидаги ўзгаришлар
(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)

ва **Хоразм (93,5%)** вилоятлари келтирилган. Яратилган қулайликлар натижасида фаолиятида **ижобий силжишлар** бўлганлигини **67,7** фоиз респондентлар эътироф этишган. Уларнинг **28,8** фоизи фаолиятида қисман ўзгариш бўлганлигини таъкидлашган. Лекин, **3,5** фоиз респондентлар фикрича ўз фаолиятида ўзгаришлар бўлмаганини билдирганлар (3-расм). Худудлар бўйича фаолиятида сезиларли ижобий силжишлар мавжудлигини нисбатан юқори даражаси **Қорақалпоғистон Республикаси (78,4%), Андижон (82,1%)** ва **Наманган (80,2%)** вилоятларида қайд этилган. Шунингдек, қисман ўзгариш бўлган худудлар қаторида нисбатан юқори улуш **Тошкент шаҳри (43%), Самарқанд (36,6%)** ва **Сирдарё (30,1%)** вилоятлари ҳамда ўзгариш бўлмаган худудлардан **Тошкент шаҳри (9%)** ва **Тошкент (7,2%)** вилоятидан қатнашган тадбиркорларда кузатилган.

Шунингдек, умумий овқатланиш, туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорларга ҳисобот даврида тўланган **ҚҚСнинг бир қисмини** республика бюджетидан қайтарилиши корхонангизга қандай самара берди⁵ саволига тадбиркорлардан куйидагича жавоб олинган: Хизмат кўрсатувчи тадбиркорларнинг *(жумладан, умумий овқатланиш, туроператорлик ва меҳмонхона хизматлари билан шугулланувчи тадбиркорларнинг)* **59** фоизи солиқ тизимига киритилган ўзгаришларни




ижобий баҳолашган. Тадбиркорлик фаолиятига таъсири сезилмаганларнинг улуши **17,3** фоиз эканлиги кузатилди. **17,4** фоиз тадбиркорлар фаолиятида эса ушбу жараён қўлланилмаслигини билдирганлар (4-расм). Мазкур ўзгаришларни худудлар кесимида кўрадиغان бўлсак **Қорақалпоғистон Республикаси (78,5%), Наманган (69,9%)** Андижон (**69,6%**) ва **Сурхондарё (68,6%)** вилоятлари

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 7.11.2024й. 745-сон қарори.

тадбиркорлари фаолиятида солиқ тизимига киритилган ўзгаришлар натижасини юқори ижобий баҳолашган.

3. «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури доирасида 300 млн сўмлик микрокредит⁶ жорий қилинишидан фойдаландингизми саволига сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг фаолиятига ушбу қарорнинг таъсири ижобий эканлигини ва 300 млн сўмлик микрокредитдан 33 фоизи фойдаланганлигини эътироф этишган. Ушбу кредитдан келгусида фойдаланиш нияти борлигини 37 фоизи таъкидлаган бўлса,


5-расм. «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури доирасида 300 млн сўмлик микрокредитдан фойдаланиш ҳолати
(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)



25 фоизи эса зарурат йўқлигини билдиришган. Ҳудудлар бўйича ушбу кредитдан фойдаланганларнинг энг юқори улуши Наманган (48%), Қашқадарё (45,7%) ва Сурхондарё (42%) вилоятларига тўғри келиши кузатилди (5-расм).

Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларига муносабатини аксарият тадбиркорлар (62,2%) қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни ижобий баҳолаганлар. Шунингдек 23,3 фоиз тадбиркорлар кўрилаётган чора-тадбирларга бетараф эканини ошкор қилишган. Амалга оширилаётган чора-тадбирларни салбий баҳолаганлар (9,1%) ҳам мавжуд (6-расм).

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.09.2024 йилдаги ПҚ-312-сон қарори.



6-расм. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга муносабат
(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)

Худудларда нисбатан юқори салбий баҳони Тошкент шаҳри (14,9%), Навоий (14,1%) ва Қашқадарё (12,9%) вилоятлари тадбиркорлари билдиришган. Қорақалпоғистон Республикаси (82,3%), Жиззах (81,3%), Андижон (76,9%) вилоятларида тадбиркорлик борасида олиб борилаётган чора-тадбирларга юқори “ижобий” баҳо берилган.

Сўровда қатнашган респондентлар ўз худудларида тадбиркорлик фаолияти учун яратилган шарт-шароитларни 43,2 фоизи “яхши”, 26,4 фоизи “аъло”, 22,4 фоизи “ўртача” эканлигини билдиришган. Шунингдек респондентлар тадбиркорлик учун яратилган шароитлардан қониқмаслигини билдириб 3,7 фоизи “ёмон” ва 4,2 фоизи “жуда ёмон” баҳо берганликлари кузатилди.


Худудлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси (42,8%), Тошкент шаҳри (36,2%), Жиззах (32,5%) ва Наманган (32,5%) вилоятлари тадбиркорлари яратилган шароитларни “аъло” баҳолашган. Ушбу яратилган шарт-шароитларга Сирдарё (63%), Навоий (52,5%), Сурхондарё (49%) ва Жиззах (46,6%) вилоятларидан қатнашган тадбиркорлар “яхши” баҳо берганликлари маълум бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун яратилган шароитларга берилган баҳо
(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)

	Қорақалпоғистон	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент ш.	Жами
1- жуда ёмон	3,6	3,8	4,6	0,8	12,7	8,8	6,0	2,1	2,7	3,3	5,4	2,3	3,0	3,0	4,2
2- ёмон	3,0	2,3	3,7	2,1	6,2	3,1	3,5	3,2	1,9	4,6	5,1	1,6	5,0	6,0	3,7
3- ўрта	22,1	19,3	19,1	18,0	25,1	16,5	19,5	28,4	20,7	25,0	34,1	20,0	19,8	24,3	22,4
4- яхши	28,5	44,4	44,1	46,6	46,3	52,5	40,1	47,2	49,0	62,8	42,5	37,9	40,6	30,6	43,2
5- аъло	42,8	30,2	28,6	32,5	9,7	19,1	30,9	19,1	25,6	4,4	12,9	38,2	31,7	36,2	26,4

4. Сизнингча, тадбиркорлик фаолияти учун иқтисодий муҳит (инфляция, кредит ставкалари, солиқлар ва божхона тўловлари) қанчалик барқарор? Тадбиркорлик фаолияти учун яратилган иқтисодий муҳитни



7-расм. Тадбиркорлик фаолияти учун иқтисодий муҳитнинг барқарорлик ҳолатига берилган баҳо (сўровнома натижалари, март 2025 йил, %)

46,7 фоизи барқарор ҳамда **29,3 фоизи жуда барқарор** эканлигини эътироф этган бўлсалар, аксинча тадбиркорлик учун иқтисодий муҳитни **19,3 фоизи маълум даражада бекарорлигини** ҳамда **4,7 фоизи умуман бекарорлигини** таъкидлашган (7-расм).

Худудлар бўйича **Сирдарё (56,4%)**, **Бухоро (55,8%)**, **Хоразм (55,2%)** ва **Андижон (54,6%)** вилоятлари тадбиркорларга яратилган муҳитнинг “барқарор” эканлигини билдиришган. Шунингдек, яратилган муҳит маълум даражада бекарорлигини **Тошкент (26,4%)**, **Самарқанд (25,3%)**, **Сирдарё (23,9%)** вилоятлари ҳамда **Тошкент (24,6%)** шаҳридан қатнашган тадбиркорлар эътироф этишган.


Келгусида тадбиркорлик муҳити янада яхшиланишига ишончини сўровнома иштирокчилари қуйидагича эътироф этганлар: Респондентларнинг **34 фоизи** – сезиларли даражада яхшиланишига, **42 фоизи** анча яхшиланишига ишонч билдиришган бўлса, аксинча **14,5 фоиз** тадбиркорлар ҳолат ўзгармаслигини қайд этганлар. Худудлар бўйича ушбу ҳолат сезиларли даражада яхшиланишини нисбатан юқори даражаси **Қорақалпоғистон Республикаси (57,2%)**, **Сурхондарё (43,8%)**, **Наманган (43,5%)** ва **Жиззах (41,3%)** вилоятлари ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, тадбиркорлик муҳитини ўзгаришсиз қолишини нисбатан кўпроқ улуши **Тошкент шаҳри (Олмазор, Янгиҳаёт ва Сирғали туманлари) (23,8%)** ва **Самарқанд (Самарқанд ва Оқдарё туманлари) (19,5%)** вилояти тадбиркорларига тўғри келган.

Сўров иштирокчилари **тадбиркорликни янада ривожлантириш** бўйича қуйидаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозимлигини қайд этганлар, яъни **30,1 фоизи** - ёш тадбиркорлар ва инновацион стартаплар учун венчур молиялаштиришни йўлга қўйиш; **32,2 фоизи** - тадбиркорликда бюрократия ва маъмурий тўсиқларни камайтириш ҳамда давлат идораларининг тадбиркорлар билан ишлаш жараёнларини рақамлаштириш; **22,9 фоизи** - яшил ва рақамли иқтисодиёт, инновацион технологиялар йўналишида фаолият юритаётган тадбиркорларни давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш; **14,3 фоизи** - тадбиркорлик фаолиятига давлат ва маҳаллий бошқарув органлари аралашувини чеклаш тўғрисидаги меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқиш таклифини берганлар (8-расм).




Расм-8.Тадбиркорликни янада ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш
(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)

5. 2023 ва 2024 йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси билан танишмисиз деган саволга тадбиркорларнинг 85 фоизи хабари борлигини эътироф этганлар. Хабардорлик даражаси барча худудларда (71,5 фоиздан – 94,7 фоизгача) юқори эканлигини таъкидлаш лозим (9-расм).



9-расм. Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси билан танишмисиз?
(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)

Мамлакатимизда «яшил» иқтисодиёт бўйича фаолият олиб борасизми саволига респондентлардан қуйидагича жавоб олинди: **71,3** фоиз респондентлар «яшил» иқтисодиёт бўйича фаолият олиб боришини билдирганлар. Худудлар бўйича нисбатан юқори улуш **Хоразм (91%)**, **Фарғона (84,6%)**, **Сурхондарё (84,1%)** ва **Андижон (81%)** вилоятларига, нисбатан паст улуш **Тошкент шаҳри (46,9%)** ва **Тошкент вилоятига (50,5%)** тўғри келган (10-расм).



10-расм. Мамлакатимизда «яшил» иқтисодиёт бўйича фаолият олиб бораётган тадбиркорлар улуши

(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)

«Яшил» иқтисодиёт бўйича фаолият олиб борадиган тадбиркорлар асосан **35,4** фоизи чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш соҳасида; **18,7** фоизи энергетика соҳасида ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ошириш; **14,4** фоизи органик қишлоқ хўжалиги (*экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш*); **12,7** фоизи “Яшил” қурилиш (*атроф-муҳитга минимал таъсир кўрсатадиган, энергия ва моддий ресурсларни кам истеъмол қиладиган биноларни қуриш*) билан; **10,8** фоизи экологик тоза маҳсулотлар ва хизматлар савдосини амалга ошириш билан шуғулланишини эътироф этганлар. Сўров натижаларининг худудлар бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, **чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида** фаолият кўрсатаётганларнинг юқори улуши **Сурхондарё (49,7%)**, **Навий (47%)**, **Наманган (44,6%)** ва **Бухоро (44,5%)** вилоятлари ҳиссасига тўғри келган (2-жадвал).


2- жадвал

“Яшил” иқтисодиёт бўйича фаолият олиб борилаётган соҳалар

“Яшил” иқтисодиёт бўйича фаолият олиб бориладиган соҳалар	Қорақалпоғистон														
	Қорақалпоғистон	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент ш.	Жами
Чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация қилиш	38,4	35,8	44,5	37,6	42,5	47,0	44,6	23,9	49,7	29,3	27,8	42,4	38,8	16,8	35,4
Энергетика соҳасида, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш	13,5	20,5	21,1	18,7	15,9	25,0	19,2	22,7	18,9	16,7	11,6	24,9	30,1	10,8	18,7
Органик қишлоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш	13,3	15,7	18,4	12,3	12,5	14,9	14,5	12,8	22,6	13,5	8,8	17,4	34,1	5,7	14,4
Экологик тоза маҳсулотлар ва хизматлар савдоси	10,8	14,5	10,1	10,9	11,6	7,4	12,2	10,8	10,7	9,1	7,9	14,7	19,0	70,0	10,8
Экологик туризм	13,5	9,8	14,2	7,5	9,2	7,0	9,7	11,7	8,4	5,2	5,4	7,4	27,9	6,0	9,4
Автомобиль саноатида электромобиллар ишлаб чиқариш	5,8	5,5	4,8	3,5	3,9	6,1	7,2	3,9	11,5	5,5	4,1	5,4	19,4	3,0	5,8
Яшил” қурилиш	16,6	18,7	15,4	11,3	10,7	11,8	15,5	11,6	16,2	20,2	9,6	6,1	21,8	5,7	12,7
Транспорт (пиёда ва велосипедда ҳаракатланиш)	5,5	5,1	6,9	1,9	3,2	5,3	5,3	4,8	4,9	3,3	4,9	2,5	11,7	10,3	5,6
Энергия сарфини камайтириш	9,9	5,1	8,7	4,8	4,9	7,3	7,7	8,4	2,7	3,3	8,3	8,9	5,3	17,1	8,0

(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)

«Яшил» иқтисодиёт тамойилларини ўз фаолиятингизда қўллашга қанчалик тайёрсиз? Сўров натижасига кўра тадбиркорларнинг **43,2** фоизи “Яшил” иқтисодиёт тамойилларини ўзларининг фаолиятида қўллашини билдирган бўлсалар, **43,4** фоизи “Яшил” иқтисодиёт тамойилларини фойдали эканлигини таъкидлаганлар.



11-расм. «Яшил» иқтисодиёт тамойилларини ўз фаолиятингизда қўллашга қанчалик тайёрсиз
(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)

Лекин, **13,1** фоиз респондентлар “Яшил” иқтисодиёт тамойилларини мураккаб эканлигини билдирганлар. Ушбу кўрсаткич ҳудудлар бўйича нисбатан юқори улушини **Тошкент шаҳри (22,1%)**, **Бухоро (17,3%)** ва **Тошкент (15,3%)** вилоятлари тадбиркорлари томонидан эътироф этганлар (11-расм).

Экотадбиркорликни қайси турларини энг долзарб ва ривожлантириш зарур деб ҳисоблайсиз саволига тадбиркорлар органик маҳсулотлар дўконларини (**33,3%**); экодизайн ва экоқурилиш (**26,1%**) хизматларини (*экологик тоза материаллардан фойдаланган ҳолда экологик таъмирлаш ва қурилиш*); экотуризм (**19,4%**) хизматларини; экосумка ва қоплар ишлаб чиқариш (**16,9%**) ва қайта ишланиши мумкин бўлган чиқиндиларни қабул қилиш пункти (**15,9%**) хизматларини ривожлантириш зарурлигини таъкидлашган (3-жадвал).

Сўров натижалари ҳудудлар кесимида ўрганилганда **органик маҳсулотлар дўконларини** ташкил этиш долзарблиги ва ривожлантириш бўйича нисбатан юқори улуш **Наманган (45,2%)**, **Сурхондарё (42,4%)**, **Сирдарё (38,9%)**, **Қашқадарё (38,6%)** ва **Фарғона (35,9%)** вилоятлари ҳиссаларига тўғри келиши кузатилди. Экодизайн, экоқурилиш хизматларини ривожлантириш бўйича эса

юқори улуш **Тошкент шаҳри (34,1%)**, **Бухоро (29,2%)** ва **Навоий (28%)** вилоятлари тадбиркорлари эътироф этганлар. Экотуризм хизматларини

3-жадвал

Экотадбиркорликни энг долзарб ва ривожлантириш зарур деб ҳисобланган турлари

(сўровнома натижалари, 2025 йил, %)

Экотадбиркорлик турлари	Қорақалпоғистон	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент ш.	Жами
Органик маҳсулотлар дўкони	31,8	32,7	32,5	29,9	38,6	35,5	45,2	28,6	42,4	38,9	28,2	35,9	26,1	27,7	33,3
Экодизайн, экоқурилиш хизматлари	17,7	24,2	29,2	24,5	21,9	28,0	27,2	26,6	21,7	25,2	21,9	24,8	27,1	34,1	26,1
Экотуризм хизматлари	23,2	16,0	19,5	16,8	15,0	19,6	18,0	17,4	17,0	20,8	18,1	19,0	29,9	22,8	19,4
Экосумка ва қоплар ишлаб чиқариш	14,1	12,8	14,8	16,5	11,0	12,2	13,0	13,1	19,3	11,4	14,1	18,3	28,1	27,7	16,9
Экоконсалтинг хизматлари	9,9	8,2	10,1	6,6	9,4	5,1	8,2	4,5	11,1	6,5	9,3	8,5	16,8	18,7	9,9
Экоинкоҳлар ва экоресторан хизматлари	16,9	10,7	19,5	8,5	6,9	12,6	12,4	13,1	10,0	8,5	12,7	9,4	27,7	26,5	14,5
Қайта ишланиши мумкин бўлган чиқиндиларни қабул қилиш пункти	19,3	12,0	13,5	15,4	9,9	15,0	14,7	23,6	12,9	10,4	17,8	10,3	23,6	21,1	15,9
Чиқиндиларни қайта ишлаш кичик корхоналари	16,6	15,5	5,9	22,4	9,0	14,9	11,8	19,2	14,0	7,6	21,3	12,7	17,2	12,6	14,5
Экоўйинчоқлар ишлаб чиқариш (ёғочдан ва табиий материаллардан)	5,2	4,2	7,3	3,1	1,7	3,4	5,3	2,6	3,8	1,1	3,0	3,1	4,2	10,9	4,6
Қуёш ва шамол энергияси ускуналарини ишлаб чиқариш ва ўрнатиш хизматлари	20,2	15,5	16,0	11,5	12,2	11,5	14,2	24,2	13,1	18,0	18,8	13,1	15,6	15,8	15,5
“Яшил” молиялаш хизматлари (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш)	8,3	14,0	8,1	6,7	7,1	9,2	7,2	11,6	4,3	6,0	15,1	9,8	7,3	13,5	9,8

ривожлантириш бўйича юқори улуш **Қорақалпоғистон Республикасида (23,2%)**, **Хоразм вилоятида (29,9%)** ва **Тошкент шаҳрида (22,8%)** кузатилган.

Хулоса ва таклифлар:

- тадбиркорларни керакли ахборот базаси (*тадбиркорлар учун берилган имтиёзлар ва преференциялар тўғрисидаги маълумотлар*) билан таъминлашда муаммо ва қийинчиликлар маълум даражада камайган. Лекин, шакллантирилаётган маълумотларни тизимлаштириш, алоҳида тармоқлар, соҳалар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) худудлар кесимида ихтисослашган маълумотлар базасини янада такомиллаштириш асосида тадбиркорликни керакли ахборот билан таъминлаш долзарблигича қолмоқда;

- Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотлари ва сўровнома натижалари асосида тадбиркорлар томонидан билдирилаётган таклиф ва тавсияларни (*расмий қарорларни қабул қилинишидан аввал тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазалари*) инобатга олиниши ўзининг ижобий натижасини бермоқда ва бу жараёни доимий амалга оширишни йўлга қўйиш тадбиркорлар томонидан қўллаб қувватланган;

- тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган айрим чора-тадбирлар кесимида ҳам маълум ўзгаришлар юз берган. Лекин, ушбу ўзгаришлар натижаси юқори эмас. Қўллаб-қувватлаш механизмларини самарадорлигини ошириш мақсадида, аниқ йўналиш ва соҳаларда фаолият юритаётган тадбиркорларни сўровнома орқали доимий мониторингини олиб бориш лозим;

- мамлакатимизда амалга оширилаётган **“Яшил”** иқтисодиётга ўтиш стратегияси билан тадбиркорларнинг кўп қисми хабардорлигини, **“Яшил”** иқтисодиёт бўйича фаолият олиб боришини ҳамда **“Яшил”** иқтисодиёт тамойилларини фойдали эканлигини ва ўзларининг фаолиятида қўллашнинг эътироф этганлар. Лекин, **“Яшил”** иқтисодиёт йўналиши билан шуғулланишга тажриба ва салоҳиятни етишмаслиги кадрларни тайёрлашда қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади;

- тадбиркорларнинг **учдан бири** биринчи навбатда органик маҳсулотлар дўконларини, экодизайн ва экоқурилиш хизматларини, экотуризм хизматларини ривожлантириш таклифини билдирганлар. Ушбу йўналишлар бўйича, жумладан экологик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар бериш масаласини кўриб чиқиш лозим;

- қўллаб-қувватлашни устувор соҳалари сифатида тадбиркорлар қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, саноатни рақобатбардошлигини ошириш, яшил ва рақамли иқтисодиётни кенг қўлланилишини кўрсатганлар. Амалга оширилаётган стратегияда ушбу йўналишлар кўрсатилган бўлиб, фақат уларни аниқ маҳсулотлар ва хизматлар турлари бўйича қўллаб-қувватлаш механизминини шакллантириш лозим.

Ўтказилган сўровнома натижалари республикаимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни тўғри эканлигини тасдиқлаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти давомида учраётган муаммолар ўз вақтида ҳал қилиш ва имтиёзларни аввало самарали натижалар олиш имконияти юқори бўлган бизнесга йўналтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очик мулоқотида белгиланган

вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 30 августдаги ПФ-132-сон Фармони.

2. Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 07.11.2024 йилдаги 745-сон “Умумий овқатланиш, меҳмонхона ва туроператорлик хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ва уларнинг қонуний ишлаши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2024 йил 7 сентябрь, ПҚ-312-сон. «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 2024 йил 27 декабрь, 894-сон, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кенгайтирилиши ҳамда тариф ислоҳотларининг тизимли амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2019 йил 4 октябрь ПҚ-4477-сон. “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 2023 йил 29 сентябрь, 517-сон. «Яшил» истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”.

7. Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда мамлакатимиз ҳудудларида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар орасида 2025 йилнинг март ойида ўтказилган сўров натижалари.

8. N.G. Nazarov “STATE SUPPORT MEASURES FOR SMALL BUSINESS IN UZBEKISTAN”. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, vol. 6, no. 06, June 2024, pp. 30-36,

9. Рафеев Д. Р. “ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ - АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ” Экономика и социум. 2023. №4-1 (107).

10. Maripova Sh.A. “THE FUTURE OF SMALL BUSINESSES AT UZBEKISTAN: EXPECTATIONS AND TRENDS OF DEVELOPMENT”. (2026). *INTERNATIONAL SCIENTIFIC-ELECTRONIC JOURNAL “PIONEERING STUDIES AND THEORIES”*, 1(7), 89-95.

11. Махмудова Н. “ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”, “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil